

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

РАДЖАПОВА МУҲТАРАМ ЗИЁДУЛЛАЕВНА

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮҚОРИ СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИДА
КЎРИЛИШИДА ПРОКУРОР ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Раджапова Мухтарам Зиёдуллаевна

Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.....5-26

Раджапова Мухтарам Зиёдуллаевна

Совершенствование функций и полномочий прокурора при рассмотрении уголовных дел в вышестоящих судебных инстанциях: сравнительно-правовой анализ.....27-49

Radjarova Muhtaram Ziyodullayevna

Improvement the functionalities and powers of the prosecutor in processing criminal cases in higher courts: a comparative legal analysis.....50-54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55-57

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

РАДЖАПОВА МУҲТАРАМ ЗИЁДУЛЛАЕВНА

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮҚОРИ СУД ИНСТАНЦИЯЛАРИДА
КЎРИЛИШИДА ПРОКУРОР ФУНКЦИЯЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Yu258 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пўлатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Миразов Даврон Мирагзамович
юридик фанлар доктори, профессор

Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 14 июнь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (24-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42. e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил 01 июнь куни тарқатилди.
(2023 йил 01 июндаги 4-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Кириш (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ҳолда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш долзарб бўлиб ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 8-моддасида кўрсатилганидек, “Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонунлар тақдим этган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда бундай ҳуқуқларнинг ваколатли миллий судлар томонидан самарали қайта тикланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир”.¹ Жиноий суд ишларини юритиш соҳаси шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, унга нисбатан мажбурлаш чораларини қўллаш билан боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам, дунё давлатларининг бу йўналишдаги фаолияти халқаро ташкилотлар томонидан мунтазам равишда таҳлил этилиб, уларнинг дунё ҳамжамиятида ҳуқуқий давлат тамойилларига қай даражада жавоб бериши аниқланади ва шу жиҳатдан ҳам ушбу масала долзарб бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда прокурор жиноят иши бўйича суд жараёнида жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан давлат айбловини қувватловчи мансабдор шахс сифатида тан олинади. Жиноий одил судловда прокурор иштирокининг асосий тамойилларини белгиловчи халқаро стандартлар айбловчиларнинг ўз фаолиятини адолатли, холис ва самарали амалга ошириши жиноий одил судлов тизимининг тамойиллари билан чамбарчас боғлиқлигини қайд этади. “World Justice Project” (WJP) халқаро нодавлат ташкилотининг 2022 йил якунлари бўйича жиноий одил судловда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси даражасини ўрганиш натижаларига кўра, Ўзбекистон Ҳуқуқ устуворлиги индексида 140 та давлатнинг ичида 78-ўринни эгаллаб, ўтган йиллардаги 85-ўридан 7 поғонага кўтарилгани қайд этилган.² Шу билан бирга, бу соҳада жиддий муаммо сифатида 2022 йил 14 апрель куни Олий Мажлис Сенатида бўлиб ўтган халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашида “Суд фаолияти самарадорлиги” йўналиши кўрсаткичи 13,1 баллга пастлагани қайд этилган.³ Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда мавжуд камчиликлар фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқармоқда ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатмоқда.⁴ Бу эса судларда жиноят ишларининг кўрилишида қонунийликни таъминлаш, судда тортишувчилик тамойилининг қўлланилишини кенгайтириш, прокурорнинг суд қарорларини қайта кўрилишида иштирокини такомиллаштириш, жиноят ишлари бўйича юқори суд инстанцияларида шахс ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда халқаро андозалар асосида прокурорнинг функция ва

¹ <https://constitution.uz> > pages Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси

² <http://worldjusticeproject.org/> Rule of Law Index 2022.; uznews.uz <https://uznews.uz> > posts

³ <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/14/senat/>

⁴ Мирзиёев Ш.М. Адолат – давлатчиликнинг мустаҳкам пойдевори, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди // Электрон манба: <http://uza.uz/uz/category/politics>; 29:12:2020

ваколатларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топишнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда йилдан йилга судлар томонидан кўриладиган жиноят ишларининг сони ортиб бормоқда. 2020-2022 йилларда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда жами 136.636 та, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан апелляция ва кассация тартибида 25.703 та, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида 13.445 та жиноят ишлари прокурорлар иштирокида кўрилган. Ушбу даврда апелляция тартибида 11843 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган бўлса, кассация тартибида 8323 нафар шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган.⁵ Судларда прокурор ваколатини таъминлаш йўналишида республика бўйича судьялар сонига нисбатан суд процессларида иштирок этадиган прокурорлар сони 3 баробар кам бўлиб, бу ҳолат бир вақтнинг ўзида бир неча судьялар томонидан кўриладиган ишларда прокурор иштирокини тўлиқ таъминлаш имконияти мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.⁶ Мазкур таҳлиллар жиноят ишлари бўйича юқори судларда прокурор иштирокининг самарадорлигини, унинг ҳуқуқий мақоми, прокурорнинг процессуал фаолияти билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганган ҳолда суд-прокурор амалиётида мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган комплекс илмий тадқиқот ўтказиш заруратини вужудга келтирмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 16 январдаги Фармони⁷ билан суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича Ихтисослашган прокурорлар корпусининг ташкил этилиши юқори суд инстанцияларида жиноят ишларининг кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатлари билан боғлиқ масалаларни хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), Жиноят-процессуал кодекси (1994), янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) ва “Судлар тўғрисида”ги (2021) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2020), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (2020), “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар

⁵ Олий суд 2023 йил 16 март 07/13-3378-121-сон статистика маълумотлари.

⁶ Бош прокуратура 12-бошқармасининг 29.11.2022 йил 7-4269382/22-сон маълумотномаси.

⁷ <https://lex.uz/uz/docs/6358976>

фаолияти самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023) Фармонлари, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2019) Қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг “I. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Прокурорнинг жиноий суд ишларини юритишдаги иштироки билан боғлиқ масалалар бир қатор миллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган.

Таъкидлаш жоизки, Б.Х.Пўлатов илмий ишларида судларда жиноят ишларининг кўрилишида прокурор иштироки комплекс тарзда, О.М.Мадалиев ва Д.С.Довудоваларнинг ишларида прокурорнинг биринчи инстанция судидаги иштирокининг хусусиятлари тадқиқ этилган.

Шунингдек, мамлакатимиз олимлари Ғ.А.Абдумажидов, К.Иркаходжаев, Ф.Х.Рахимов, М.Х.Рустамбоев, Б.С.Саломов, З.С.Ибрагимов, М.Маҳбубов, А.Ю.Таджибоева, З.Ф.Иноғомжонова, Д.К.Миразов, Ф.М.Мухитдинова, М.А.Ражабова, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тухташева, С.М.Рахмонова, Ғ.М.Шодиев, Ш.Мусоев, Д.П.Комолов, Н.С.Зайнабиддинов, О.Турсунова, Н.Ж.Юсупова, З.Муқимов, Г.Р.Маликова, С.А.Исҳоқов, В.А.Артикова, А.Ў.Эгамбердиев, О.Икрамов, С.Н.Мамадиев, М.С.Утепбергеновлар томонидан судларда прокурор иштирокининг хусусиятлари, прокурорнинг суд қарорларига муносабат билдиришга оид айрим ваколатлари, юқори турувчи инстанция судларида прокурор иштирокининг ривожланиш тарихи каби масалалар муайян даражада ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда А.Н.Гейнс, А.В.Кочнев, М.С.Строгович, Л.В.Головко, В.И.Басков, Б.К.Коробейников, А.А.Тушев, Б.А.Тугутов, Д.И.Прушинский, Я.О.Матавиковкер, И.В.Тиричев, С.А.Пашин, А.В.Смирнов, С.Д.Шестакова, Л.Зайцева, В.Хомич, В.И.Рохлин, А.А.Чувилев, Н.П.Кириллова, В.А.Лазарева, Д.В.Лесик, А.А.Терёхин, В.А.Ефанова, О.А.Сухова, Т.В.Якушева, И.К.Севастьяник, Э.О.Безмельница, М.В.Беляев ва бошқа бир қатор олимлар томонидан тадқиқ этилаётган мавзунинг баъзи жиҳатлари ўрганилган.⁸ Хусусан, Г.Н.Королев жиноят процессида прокурор томонидан жиноий таъқибни амалга оширишнинг назарий ва ҳуқуқий асосларига бағишланган илмий ишида прокурор юқори инстанция судларида

⁸ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

хам жиноий таъқибни амалга ошириш орқали жиноятчилик билан кураш функциясини бажариши ёритилган. И.И.Мухин кассация шикоят, протести келтириш ва суд ҳукмларини қайта кўриш масалаларини таҳлил этиш орқали ушбу инстанция судида иш юритишнинг умумий тартибини ўрганган. Н.Н.Познанскийнинг ҳам илмий изланиши кассация тартибида ишларни қайта кўриш масалаларига бағишланган.

Бироқ, мукаддам Ўзбекистонда прокурорнинг жиноят ишлари бўйича юқори турувчи инстанция судларидаги иштирокига оид алоҳида тадқиқот иши халқаро стандартлар ва хорижий тажриба билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил асосида ўтказилмаган бўлиб, мазкур диссертация иши прокурорнинг юқори турувчи инстанция судларидаги ҳуқуқий мақоми, унинг ушбу судлардаги фаолиятининг йўналишлари, функция ва ваколатларининг чуқур таҳлиliga бағишланган яхлит тадқиқот иши ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил” доирасида амалга оширилган (2019-2023).

Тадқиқотнинг мақсади жиноят ишлари бўйича юқори инстанция судларида прокурор функция ва ваколатларини такомиллаштириш масалалари юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноий суд ишларини юритишда прокурор ҳуқуқий мақоми, унинг зиммасига юклатилган вазифалар ва ваколатлар ҳамда уларнинг мутаносиблигини илмий-назарий таҳлил қилиш;

жиноят ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорларига шикоят бериш (протест келтириш) институтининг тарихи, ривожланиш тенденциялари ва бунда прокурор иштирокининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш;

апелляция, кассация инстанция судларида ишни қайта кўриш хусусиятлари ва прокурорнинг юқори суд инстанциясидаги процессуал ҳуқуқий ҳолатини қиёсий-ҳуқуқий таснифлаш;

жиноий суд ишларини юритишда прокурор ўрни ва унинг вазифаларига оид халқаро стандартлар талабларини миллий қонунчилик нормалари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

хорижий мамалакатлар тажрибасини таҳлил этиш орқали прокурорнинг суддаги иштирокига оид илғор ғояларни аниқлаш ва миллий қонунчиликка имплементация қилишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

жиноят ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорларига апелляция ва кассация тартибида протест келтириш, жиноят ишининг юқори инстанцияда кўрилишида суд-прокурор амалиётидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий асосланган хулоса, тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор иштироки билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор иштирокининг процессуал масалалари билан боғлиқ қонунчилик, халқаро стандартлар, хорижий мамлакатлар тажрибаси, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, формал-мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар, ижтимоий сўровлар, жиноят ишлари ва суд амалиётини ўрганиш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш асосларининг назарда тутилиши ҳамда қуйи суд ҳукмининг, ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ва қўшимча равишда тақдим этилган далилларга кўра текширилишининг қонунчиликда белгиланиши илмий асослантирилган;

тарафлар томонидан биринчи инстанция судининг ҳукми, ажримга апелляция тартибида ёки муқобил асосда кассация тартибида муносабат билдириш ҳуқуқининг қонунчиликда белгиланиши ҳақидаги таклиф асослантирилган;

қуйи прокурорлар томонидан келтирилган апелляция ёки кассация протестлари ва уларга асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари судда самарали прокурор иштирокини таъминлаш учун дарҳол тегишли юқори турувчи прокуратурага юборилиши ҳақидаги талабнинг киритилиши асослантирилган;

биринчи инстанция судининг ҳукмини эълон қилиш, тарафларга тақдим этиш тартибига оид ўзгартишларни, апелляция шикоят (протести) келтиришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклашга таъсир этиши шарт бўлган ҳолатларни қонунчиликда белгилаш ҳақидаги таклифлар асослантирилган;

прокурорнинг жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация инстанция судларида давлат айбловини қувватлаш функциясини амалга ошириши ҳақидаги хулоса асослантирилиб, ЖПКнинг 409-моддасига ўзгартиш киритиш таклифи илгари сурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

прокурорнинг суддаги ҳуқуқий мақомини илмий ва қонунчилик даражасида ишлаб чиқиш унинг жиноят суд процессидаги иштирокидан кўзланган мақсад ва вазифалар доирасини тўлиқ белгиланишига хизмат қилиши ҳақидаги таклиф илгари сурилиб, муаллифлик таърифи бериш орқали асослантирилган;

тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига прокурорнинг суддаги иштирокига оид нормаларни

такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, диссертацияга илова қилинган;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли Фармони қабул қилинганлиги муносабати билан прокурор юқори инстанция судларида ҳам давлат айбловини қувватлашини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида прокурорнинг апелляция ва кассация инстанцияси судларидаги ваколатларидан самарали фойдаланишини таъминлаш мақсадида унинг айнан ушбу инстанциялардаги функциялари тўлиқ кўрсатилган талабларнинг киритилиши асослантилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги 13-сонли Қарорининг 8-банди иккинчи хатбошисига ҳамда Олий суд Пленумининг “Жиноят ишларини кассация тартибида кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2021 йил 27 ноябрдаги 37-сонли Қарори 17-бандининг иккинчи хатбошисига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифлар асослантилган;

тадқиқот давомида халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида “Адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ” ўқув контентини ишлаб чиқилиб, ўқув-услубий жараёнга татбиқ этилган;

илмий изланиш давомида прокурорнинг юқори суд инстанциясидаги иштирокининг самарадорлигига таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар таҳлил қилиниб, унинг функция ва ваколатларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва хулосалар асослантилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги миллий ва хорижий давлатлар олимлари томонидан амалга оширилган илмий изланишлар, халқаро стандартлар, миллий ва айрим хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек статистик маълумотлар, амалиётга доир умумлашмалар, жиноят иш материаллари, ижтимоий сўровнома (1969 нафар прокуратура ходимлари ва 95 нафар суд ходимлари ўртасида ўтказилган) натижалари ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган таклифлар ва илмий хулосалардан жиноят ишларини судда кўришда прокурор иштироки билан боғлиқ илмий изланишларда, қонун ҳужжатларини илмий шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда “Прокурор назорати”, “Жиноят процессуал ҳуқуқи”, “Суд ҳокимияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар” фанини ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсия ва таклифлар амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигини, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларини, Бош прокурор соҳавий буйруғининг юқори турувчи инстанция судларида прокурор иштирокини самарали таъминлашга доир талабларини такомиллаштиришга ҳамда прокурорнинг суддаги ваколатларини самарали амалга оширишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштиришга оид тадқиқот иши бўйича олинган натижалар асосида:

кассация инстанцияси суди томонидан ҳақиқий ҳолатлар тўлиқ аниқланганлиги ва иш юритуви ҳар томонлама олиб борилганлиги, жиноят қонуни нормалари тўғри қўлланилганлиги ва иш юритишни амалга ошириш чоғида жиноят-процессуал қонун нормаларига риоя этилган ёки этилмаганлиги, қуйи суд ҳукмининг, ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги ишда мавжуд бўлган ва қўшимча равишда тақдим этилган далилларга кўра текширилишига оид таклифлар “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ҚЛ-967-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2023 йил 3 май кунги 04/2-10/1535-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши юқори турувчи инстанция судларида ишни мазмунан қайта кўрилишини таъминлаш ва бунда тарафларнинг тортишув тамойили тўла қонли амалга оширилишига хизмат қилади;

тарафлар томонидан биринчи инстанция судининг ҳукми, ажримга апелляция тартибида ёки муқобил асосда кассация тартибида муносабат билдириш ҳуқуқининг қонунчиликда белгиланиши ҳақидаги таклифдан “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим нормаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2023 йил 1 май кунги 30-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши маълум сабабларга кўра апелляция инстанцияси судида кўрилмаган суд қарорларининг кассация тартибида кўрилишини кафолатлайди;

куйи прокурорлар томонидан киритилган апелляция ва кассация протестлари ҳамда уларга асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари дарҳол тегишли юқори турувчи прокуратурага юборилиши ҳақида ишлаб чиқилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 27 апрелдаги 227-сонли буйруғини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 10 апрелдаги маълумотномаси). Ушбу таклиф жиноят иши апелляция ва кассация инстанцияси судларида иштирок этувчи юқори турувчи прокуратура ходимининг суд муҳокамасига тайёргарлик кўриши ва унда самарали прокурор иштирокини таъминлашга хизмат қилади;

биринчи инстанция судининг ҳукмини эълон қилиш, тарафларга тақдим этиш тартибига оид ўзгартириш, апелляция шикояти (протести) келтиришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ва унга таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида билдирилган таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги ЖПК лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 17 апрелдаги 27/2-111-23-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши халқаро стандартларда белгиланган қоидаларга мувофиқ биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган қарорларига ўз вақтида асослантирилган апелляция шикояти (протести) келтириш, суд қарорлари ва суд баённомасининг қонунда белгиланган муддатларда расмийлаштирилишини таъминлашга хизмат қилади;

прокурорнинг жиноят ишлари бўйича юқори суд инстанциясида давлат айбловини қувватлаши ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 16 январдаги ПФ-11-сонли Фармони 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “Судларда ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида ЖПКнинг 409-моддасини тўлдиришда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 17 апрелдаги 27/2-112-23-сонли далолатномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида белгиланган талабларнинг ижросини таъминлашга ҳамда процессуал қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро ҳамда 4 та республика илмий-амалий конференция ва илмий семинарларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан 2 та монография, 1 та ўқув-

амалий қўлланма, 16 та илмий мақола ва тезислар (улардан иккитаси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Жиноий суд ишларини юриштида прокурор иштирокини таъминлашнинг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланиб, унинг биринчи параграфида илм-фанда прокурорнинг суддаги ўрни ва ролига оид илмий-назарий қарашлар, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар халқаро стандартлар ҳамда ўрганилган айрим давлатлар қонунчилиги билан қиёсланган ҳолда таҳлил этилиб, “прокурор судда ким, унинг иштирокидан кўзланган мақсад нима” деган мунозарали саволлар муҳокама қилинган ва прокурорнинг суддаги ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш орқалигина унинг суддаги иштирокидан кўзланган мақсад тўлиқ ва тўғри белгиланиши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келинган. Шунга кўра, *жиноят суд процессидаги прокурор иштирокига* оид куйидаги мазмундаги муаллифлик таърифи таклиф этилган: – *“Жиноят ишларини судда кўрилишида прокурор давлат айбловини қувватлаш, қонунийлик ҳамда шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш каби қонун билан унга юклатилган функциялари ва ваколатлари орқали жиноят процессининг мақсад ва вазифаларига хизмат қилади”*.

Бунда илмий манбаларда мавжуд бўлган турли қарашлар ўрганилиб, амалдаги қонунчилик ва амалиёт таҳлил этилган ҳолда прокурорнинг суддаги фаолияти давлат айбловини қувватлаш, қонунийликни таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилганлиги, унга берилган ваколатлар эса юқорида қайд этилган функциялар ижросини таъминлаши асослантилган.

Тадқиқотчи томонидан фанда жиноят процессидаги прокурор иштирокига оид илмий таъриф берилиши юриспруденция йўналишида таҳсил олувчи ҳуқуқшуносларда прокурорнинг суддаги ҳуқуқий мақоми борасида

тўлиқ тасаввурга эга бўлиши, шунингдек, прокурорнинг судда самарали иштирокни таъминлашига хизмат қилади.

Биринчи бобнинг “Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича юқори инстанция судларининг ривожланиш тарихи ва унда прокурор иштироки” деб номланган иккинчи параграфда ишга алоқадор қадимий манбалар ҳамда илмий изланишларга мурожаат этилган ҳолда суд қарорларига нисбатан шикоят келтириш ва уни ҳал этиш тартибига оид қоидалар Ўзбекистонда қадимдан мавжуд бўлганлиги асослангирилиб, юқори инстанция судларининг ташкил топиши, ушбу судларга шикоят билан мурожаат қилиш ҳамда ишларни кўриш тартиби, унда прокурор иштироки билан боғлиқ ўзгаришлар айнан тадқиқот мавзусидан келиб чиққан ҳолда саккиз босқичдан иборат даврийлаштириш асосида таҳлил этилган.

“Жиноят ишларини судда кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларининг тушунчаси” деб номланган учинчи параграфда “функция” ва “ваколатлар” тушунчаларининг этимологиясини таҳлил этиш орқали судда жиноят ишларини кўришда прокурор функция ва ваколатларининг ҳажми, уларнинг қонунчиликка мутаносиблиги, суд процессининг турли босқичларида прокурор процессуал функциялари ва ваколатларининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.

Ўрганилган давлатлар қонунчилигида жиноий суд ишларини юритишда “прокурор” тушунчаси ва бевосита судларда жиноят ишлари кўрилишида иштирок этувчи “прокурор” тушунчаси алоҳида белгилаб берилган бўлиб, ЖПКга тушунчалар таърифи билан боғлиқ алоҳида норма киритиш орқали қонунчиликда мавжуд бўлган бўшлиқни тўлдириш таклифи илгари сурилган.

Тадқиқотчи мазкур параграфда жиноят ишларининг судда кўрилишида прокурор иштироки билан боғлиқ унинг функция ва ваколатлари жиноий суд иш юритувининг ҳар бир босқичи мақсадларидан келиб чиқилишини асослангирган ҳолда, уларни қуйидагича ажратган:

а) ЖПКнинг 49¹-бобида (дастлабки эшитув босқичи) белгиланган прокурорнинг функция ва ваколатлари;

б) прокурорнинг суд муҳокамасидаги иштироки, ЖПКнинг 409-моддасида (умумий қоидалар) белгиланган функция ва ваколатлари;

в) прокурорнинг юқори турувчи инстанция судларидаги функция ва ваколатлари.

Бироқ, ЖПКнинг 409-моддаси, суд қарорларини апелляция ҳамда кассация тартибида текширишга доир бобларининг тегишли нормалари, дастлабки эшитувга бағишланган 49¹-бобида белгиланган нормалар прокурорнинг ушбу босқичлардаги ваколатларини тўлиқ ва тизимли равишда белгилаб бермаган.

Прокурор дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини тугатиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда тегишли илтимоснома билан судга мурожаат қилиши мумкинлиги ёки кўзғатилган илтимоснома бўйича ишни тугатиш ҳақида фикр бериши унинг давлат айбловидан воз кечишини англайтиши назарий қарашлар, хорижий тажриба, амалиёт материалларининг таҳлили

асосида ёритилиб, ЖПКнинг 409-моддасида белгиланган қоида эса прокурорнинг ушбу ваколатини биринчи инстанция судида суд муҳокамаси натижасида суд тергови маълумотлари асосида амалга оширилишини белгилаганлиги очиб берилган.

Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Германия Федератив Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида жиноий таъқибни истисно этувчи ҳолатлар ёки жиноий таъқибни амалга оширмаслик мумкин бўлган асослар аниқланган тақдирда прокурорнинг дастлабки эшитув босқичида давлат айбловидан воз кечишига оид норма мавжуд.

Шунингдек, мазкур параграфда қуйи турувчи прокурор ва юқори турувчи прокурор ўртасида айрим масалалар доирасида юзага келиш эҳтимоли мавжуд бўлган ва амалиётда учраётган муаммоларнинг ечимига қаратилган таклиф ва тавсиялар ҳам асослантирилган.

Диссертациянинг **“Юқори инстанция судларида прокурор иштирокини таъминлашни ташкил этишнинг амалий жиҳатлари”** деб номланган иккинчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, биринчи параграфда прокурорнинг юқори турувчи инстанция судларидаги процессуал мақоми таҳлил этилган. Прокурорнинг юқори инстанция судларидаги ҳуқуқий мақоми мазкур инстанцияларда ишларни кўришнинг хусусиятлари билан боғлиқ эканлиги таҳлиллар асосида ёритилган. Ушбу параграф доирасида прокурорнинг юқори турувчи инстанция судларида иштирок этишининг мақсадини, унинг ҳуқуқий мақомини, айнан шу инстанцияларга тааллуқли бўлган ваколатларининг аниқ белгиланишига қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Муаллиф мазкур параграфда И.К.Севастьяник, Э.О.Безмельница, Б.В.Коробейников, В.И.Басков, М.М.Гродзинский ва бошқа олимларнинг нуқтаи назарларини таҳлил қилган ҳолда прокурорнинг юқори инстанция судларидаги ҳуқуқий мақомини тавсифлаган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи **“Жиноят ишларини апелляция инстанцияси судида кўрилишида прокурор ваколатларини таъминлашнинг процессуал масалалари”** деб номланган бўлиб, прокурорнинг суд қарорларига муносабат билдириш ваколатларини, ишларни апелляция инстанцияси судида кўриш тартибини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Хусусан, суд ҳукмини эълон қилиш ва процесс иштирокчиларига тақдим этиш, суд қарорларига апелляция шикояти (протести) келтиришнинг ўтказиб юборилган муддатларини узрли деб топилишига таъсир этувчи айрим омилларнинг белгиланиши, апелляция инстанцияси судида маҳжум, оқланган шахс ёки ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахснинг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар рўйхатини кенгайтириш, апелляция инстанциясида суд муҳокамасида далилларни текшириш ва баҳолаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар шулар жумласидандир.

Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, Молдова, Эстония, Озарбайжон, Белоруссия, ГФРнинг жиноят-процессуал қонунчилигида

юқоридаги масалалар доирасида ўзгача қоидалар белгиланган бўлиб, суд ҳукмининг қонунчиликда белгиланган ҳоллардан ташқари ошқора эълон қилиниши, тарафларга, ш.ж.прокурорга тақдим этиш муддатларининг қатъий белгиланганлиги, апелляция шикоят (протести) келтиришнинг ўтказиб юборилган муддатларини тиклашга таъсир этиши мумкин бўлган айрим ҳолатлар назарда тутилган.

Ушбу бобнинг “Жиноят ишларини кассация инстанцияси судида кўрилишида прокурор ваколатларини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган учинчи параграфда кассация инстанцияси суди олдида турган вазифалар мазкур жараёндаги прокурор функцияларини белгилаши қайд этилиб, прокурорнинг ушбу инстанция судидаги бирламчи вазифаси қонунийликни таъминлашдан иборат эканлиги асослантирилган. Мазкур параграфда, шунингдек кассация шикоятга (протестига) асосан чақиртирилган жиноят ишини кассация инстанцияси судига кўриш учун ўтказиш ёки ўтказишни рад қилиш ҳақидаги қарорнинг кассация инстанцияси судининг судьяси томонидан қабул қилинишининг асоссизлиги таҳлил этилиб, қонунчиликдаги тегишли нормаларни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, хорижий тажриба асосида апелляция тартибда кўрилмаган ишларнинг келгусида кассация инстанцияси судида кўрилиши мумкинлигини назарда тутувчи асосларнинг ёинки кассация инстанцияси судига муқобил асосда мурожаат қилиш ҳуқуқининг белгиланишига оид тақлифлар илгари сурилган.

Қозоғистон Республикаси, Молдова Республикаси, Украина ЖПК талабларига кўра кассация шикоятини (протести, тақдимномаси) жиноят иши билан кассация инстанцияси судига кўриш учун ўтказиш ёки ўтказишни рад қилиш масаласи 3 нафар судьядан иборат таркибда кўрилиши белгиланган. Россия Федерациясининг қонунчилигида ушбу масала бир нафар судья томонидан ҳал этилса-да, кассация шикоятини (тақдимномани) жиноят иши билан кассация инстанциясига кўриш учун ўтказишни рад қилиш асослари қатъи белгилаб берилган.

Худди шунингдек, ўрганилган давлатлар қонунчилигига кўра муайян сабабларга кўра апелляция инстанцияси судида кўрилмаган жиноят ишларини истисно тарзида кассация инстанцияси судида кўрилиши мумкин бўлган ҳолатлар ёинки муқобил асосда тўғридан-тўғри кассация инстанцияси судига шикоят билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Юқори турувчи инстанция судларида прокурор иштирокини таъминлашга оид халқаро стандартлар, хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари”** деб номланган бўлиб, ушбу боб ҳам уч параграфдан иборат.

Бобнинг “Юқори турувчи инстанция судларида прокурор иштирокини таъминлашга оид халқаро стандартлар ва миллий ҳуқуқий асослар” деб номланган биринчи параграфда Ўзбекистон давлатининг халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш сиёсатининг айрим жиҳатлари ёритилиб, жиноят ишларини юқори инстанция судларида

кўрилишида прокурор иштирокини таъминлашга оид халқаро стандартлар миллий қонунчилик нормалари билан қиёсланган ҳолда таҳлил этилган. Ушбу масала доирасида ўндан ортиқ халқаро стандартлар, шунингдек БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмитаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қатор тушунтиришлари ўрганилган. Бунда халқаро стандартларнинг талабларидан келиб чиқиб, жиноят ишларини юқори турувчи инстанция судларида кўришда тарафлар иштироки, далилларни текшириш тартиби, ушбу инстанция судларига хос бўлган прокурор иштирокига оид масалалар доирасидан келиб чиқиб миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “МДҲ ҳамда айрим хорижий давлатлар қонунчилигида юқори турувчи инстанция судларида прокурор иштирокининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили” деб номланган бўлиб, Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Эстония, Молдова, Белоруссия, Украина давлатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида юқори инстанция судларида жиноят ишларини кўриш тартиби ва унда прокурор иштирокига оид нормалари миллий қонунчиликнинг тегишли нормалари билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ўтказиш орқали ўрганилган. Хорижий давлатлар тажрибаси мисолида миллий қонунчиликка суд муҳокамасида прокурор иштирокини узлуксиз таъминлаш билан боғлиқ норманинг киритилиши асослантилган ва бунга имконият бериши мумкин бўлган омиллар қаторида процессуал қонунчиликка хусусий айблов институти, шунингдек, қонунчиликка содир этилган жиноятнинг ижтимоий-хавфлилик даражаси, шунингдек айбланувчи ва жабрланувчининг позициясидан келиб чиққан ҳолда прокурорнинг суд жараёнларида иштирок этиши билан боғлиқ нормаларни киритиш каби таклифлар илгари сурилган.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи “Жиноят ишлари бўйича юқори инстанция судларида прокурор иштирокини таъминлашга оид миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш” деб номланган бўлиб, унда амалиётдаги мавжуд муаммолар таҳлили, судларда самарали прокурор иштирокини таъминлаш борасида прокурорлар олдида қўйилган талаблар ва уларни амалга ошириш имкониятлари ўртасидаги номутаносиблик, прокурорнинг суддаги функциялари ва ваколатларининг уйғун эмаслиги, илмий ва амалий доирада прокурорнинг суддаги ўрни, роли ва функциялари хусусидаги турлича ёндашув ва қарашлар, баҳс ва мунозаралар жиноят процессуал қонунчилигида мавжуд бўлган жиддий бўшлиқларнинг оқибатлари, деган хулосага келинган ва қонунчиликни ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

ХУЛОСА

Жиноят ишларини юқори инстанция судларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

мавзусидаги тадқиқот иши натижасида қуйидаги илмий-назарий ва амалий таклифлар ҳамда хулосалар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:

1. *Жиноят суд процессидаги прокурор иштирокига муаллифлик таърифи* ишлаб чиқилган: – *“Жиноят ишларини судда кўрилишида прокурор давлат айбловини қувватлаш, қонунийлик ҳамда шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш каби қонун билан унга юклатилган функциялари ва ваколатлари орқали жиноят процессининг мақсад ва вазибаларига хизмат қилади”*.

2. Илмий изланиш давомида турли даврларда нашр этилган ўндан ортиқ изоҳли луғатлар, қатор қадимий манбалар, кўплаб илмий ишларни ўрганиш асосида “протест” сўзининг ҳақиқий изоҳли маъноси ҳамда қўлланиш мақсади таҳлилидан келиб чиққан ҳолда *“прокурор протести”* тушунчасига қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган: – *“Прокурор протести – қонунда белгиланган тартибда ва асосларда юқори инстанция судлари томонидан қуйи суд ҳукмининг, ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш талаби асослантирилган процессуал ҳужжат”*.

3. ЖПКга *“тушунчалар таърифи”* билан боғлиқ алоҳида норма киритиш ва ушбу нормада жиноят суд ишларини юритишда, жумладан жиноят процессининг турли босқичларида ўзига хос функцияларни амалга оширувчи ҳамда шу босқичларга монанд ваколатларга эга бўлган *“судда прокурор”* тушунчасини белгилаш таклифи ишлаб чиқилди ва қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифи илгари сурилмоқда:

– *“Жиноят суд процессида прокурор – қонунда берилган функция ва ваколатлар билан давлат айбловини қувватлаш орқали содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ва шу билан бирга айбсиз шахснинг айбланмаслигини таъминлашда судга яқиндан ёрдам берувчи, суд муҳокамасидаги ўзининг иштироки билан қонунийликни таъминлаш, шунингдек шахс ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи прокуратура органларида тегишли мансаб лавозимида тайинланган шахс”*.

4. Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича юқори инстанция судларининг шаклланиши ва унда прокурор иштирокининг зарурияти, тарихий ривожланиши саккиз босқичга ажратилди. Жумладан, *биринчи босқич* қадимий Туркистон ўлкасини Россия империяси босиб олгунига (1867 йил) қадар бўлган давр; *иккинчи босқич* Россия империяси томонидан Туркистонда суд ислохотларини ўтказиш даври (1867-1917 йиллар); *учинчи босқич* Октябрь инқилоби ва ундан кейинги давр ислохотлари (1917-1928); *тўртинчи босқич* совет даврининг “Иккинчи жаҳон урушига” қадар ва уруш даври (1928-1945); *бешинчи босқич* урушдан кейинги совет даври (1954-1990); *олтинчи босқич* 1990 йилдан 2000 йилга қадар бўлган давр; *еттинчи босқич* 2000 йилдан 2016 йилга қадар бўлган давр; *саккизинчи босқич* 2016 йилдан ҳозирга қадар бўлган

даврни ўз ичига олиб, ҳар бир босқичнинг ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

5. Юқори инстанция судларида иштирок этаётган прокурорнинг функция ва ваколатлари ушбу инстанция судларида ишларни кўриш хусусиятлари, тартиби ҳамда уларнинг ваколатларига боғлиқ бўлса-да, прокурорнинг ушбу инстанция судларидаги ҳуқуқий мақоми давлат айбловини қувватлаш, қонунийликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилишга йўналтирилган. Бироқ, кассация инстанцияси судининг предмети, ишни кўриш тартиби ва хусусиятлари ҳамда ваколатларидан келиб чиққан ҳолда прокурорнинг кассация суд инстанциясидаги бирламчи вазифаси қонунийликни таъминлаш функциясини амалга оширишдан иборат эканлиги асосланган.

II. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддасида йўл қўйилган прокурорнинг суддаги ҳуқуқий мақомига таъсир этувчи хатоликни бартараф этилишини таъминлаш мақсадида норманинг биринчи қисмида прокурор давлат айбловини нафақат биринчи инстанция судларида, балки жиноятларга доир ишларни юқори инстанция судларида кўрилишида ҳам қувватлашини белгилашга қаратилган таклиф ишлаб чиқилган ва қуйидаги мазмунда келтирилган: – *“Прокурор жиноятларга доир ишларни кўришида иштирок этиб, давлат айбловини қувватлайди.....”*.

ЖПК 409-моддасининг еттинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи берилмоқда: – *“Прокурор апелляция ва кассация инстанцияси судларида қўйи судлар томонидан қабул қилинган ҳукм ва ажримларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишида иштирок этиб, ишни кўриш натижалари бўйича фикр билдиради, лозим деб топилган ҳолларда апелляция суд инстанциясида давлат айбловини қувватлайди ҳамда суд муҳокамасидаги ўзининг иштироки билан қонунийликни таъминлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади”*.

2. ЖПК 409-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган прокурорнинг процессуал мустақиллигига оид қоида давлат айбловини қувватлаш функциясига, давлат айбловини қувватлаш эса биринчи инстанция суди муҳокамасига боғлиқ равишда белгиланган. Қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш, қонун нормасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда мазмун кетма-кетлигини таъминлаш мақсадида, 409-модданинг 2-қисмида белгиланган қоидани чиқариш ва норманинг 7-қисмидан сўнг қуйидаги мазмундаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилмоқда: – *“Биринчи ва юқори турувчи инстанция судларида ишларни кўришида иштирок этувчи прокурор ушбу Кодекснинг, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунларининг талабларига ва ишининг барча ҳолатларини қараб чиқишига асосланган ўз ишончига амал қилади”*.

3. Юқори турувчи инстанция судларидаги прокурорнинг музокара сўзи мазмунига оид қоидаларни аниқ белгилаш мақсадида ЖПК 497¹⁸-моддасини

биринчи қисмидан сўнг янги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: – *“Суд тергови натижалари бўйича прокурор ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги тўхтамга келган тақдирда, ўз фикрида қонунда белгиланган асосларнинг қай бири мавжудлиги ва ушбу қонун бузилиши нималарда ифодаланганлигини асослантирган ҳолда апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилиниши таклиф этилаётган суд қарори ҳақида фикр билдириши керак”*.

ЖПК 509⁷-моддасининг еттинчи қисмини “суд муҳокамаси яқунланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасига ўтади” жумласидан кейин қуйидаги мазмундаги янги жумла билан тўлдириш таклиф этилади: – *“Ишда иштирок этувчи прокурор музокара сўзида қуйи судлар томонидан моддий ва процессуал қонун нормаларига риоя этилганлигига ҳуқуқий баҳо бериш орқали кассация инстанцияси суди томонидан қабул қилиниши таклиф этилаётган суд қарори ҳақида фикр билдириши керак”*.

Процессуал қонунчиликда прокурорнинг юқори турувчи суд инстанцияларидаги фикрининг мазмунига оид ушбу нормаларнинг белгиланиши, суд-прокурор амалиётида ҳанузгача учраётган бир жумладан иборат бўлган *“суд ҳукмини (суд қарорини) ўзгартиришсиз қолдиришингизни ёки ўзгартиришингизни (бекор қилишингизни) ёинки қонуний қарор қабул қилишингизни сўрайман”* қабилидаги фикрларнинг олдини олишга, прокурор позициясининг аниқ шакллантирилишига ҳамда унинг маъсулиятини оширишга таъсир қилади.

4. Конституцияда белгиланган прокуратура органларининг тузилиши тамойилидан келиб чиққан ҳолда ЖПКнинг 497²-моддасига суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан юқори турувчи прокурор ҳам апелляция протести келтириш ваколатига эга эканлиги ҳақида таклиф илгари сурилган, шунингдек, ЖПК 497⁹-моддасининг ва 509²-моддасининг биринчи қисмларига *“Юқори турувчи прокурор ҳам апелляция (кассация) инстанцияси судининг мажлиси бошлангунига қадар апелляция (кассация) протестини ўзгартиришга ёки янги вазлар билан тўлдириш ҳуқуқига эга”* эканлиги ҳақидаги тўлдиришларни киритиш таклифи асослантирилган.

